



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 9-noyabr. Shanba 134 (31.724)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

2014 йил учун БЮДЖЕТ ЛОЙИХАСИ

ва солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси ва солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Унда депутатлар, бир қатор вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари иштирок этди.

”

Сессия қарори
ПАРТИЯМИЗ

электорати
манфаатига
хизмат қилади

2

ФУҚАРОЛИК

жамиятининг
кўзгуси

2

Маҳсулотларнинг

НОҚОНУНИЙ

олиб чиқилиши
ва киритили-
шига чек
қўйилмоқда

«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси

давлат ва жамият ғамхўрлигига муҳтож кишилар манфаатларига қаратилган

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида аҳолини аниқ, манзилли ва кучли ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда болалар манфаатларини ҳимоялаш, айниқса, ота-она меҳридан бебаҳра қолган ўғил-қизларнинг тўлақонли таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, жамиятга интеграциялашувини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишдаги ҳуқуқий кафолатлар Конституциямиз ҳамда бир қатор қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Тиббиёт ходимлари қўнига



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Янги поликлиника

аҳоли хизматида

●●● Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида кўп тармоқли марказий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Жорий йил туман тиббиёт бирлашмасининг қабул ва диагностика, шошилиш тез тиббий ёрдам бўлимлари замонавий биноларда фаолият бошлади.

«Саломатлик-3» лойиҳаси бўйича рақамли рентген, рангли «Доплер» ультра товуш текшируви, ЭХО энцефелографияси каби замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган

ушбу поликлиника ҳудуддаги 212 минг аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Суратда: ҳамширалар (чапдан) Маҳфуза Жалилова, Феруза Рўзиева, Севара Расулова ва Лола Самадова.

4

Темурийлар
даврида

ТИББИЁТ

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Шарқнинг энг буюк табиблари Амир Темур саройида хизмат қилган. Ўша даврда салтанат пойтахти Самарқандда «Дор уш-шифо» номли касалхона фаолият кўрсатган.

4

ЎзАД фракциясининг позицияси



2

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

**Ислохот
ислохот учун
эмас,**

аввало, инсон
учун, унинг
манфаати учун



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

тизимда партия дастурий мақсадлари, мафкураси ва ғоясини кенг тарғиб этиш, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш мақсадида тарғиботчилар гуруҳлари ташкил этилган. Бугунги кунда ҳар бир вилоят кенгашида мазкур гуруҳларнинг 400 нафардан ортиқ аъзоси фаолият кўрсатмоқда.

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Кейинги сонларда

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Бухоро вилоятида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича ўтказилаётган эксперимент, бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг иштирокига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир тафсилотлари билан гезетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси

давлат ва жамият
ғамхўрлигига муҳтож
кишилар манфаатларига
қаратилган

ЎзХДП фракциясининг позицияси

Бугунги кунда васийлик ва ҳомийлик йўналишидаги ҳуқуқий муносабатлар асосан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низоми» ва бошқа алоҳида меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Аммо ушбу ҳужжатларда васийлик ва ҳомийликка муҳтож барча тоифадаги шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни амалга ошириш механизмлари етарли даражада очиб берилмаган.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

лаш ҳамда очик-ошкораликни таъминлаш масалалари қамраб олинган. Унинг қабул қилиниши васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши қалбани мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кишилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар ўз имкониятларини рўйбга чиқариши ва жамият ҳаётида иштирок этиш учун зарур шароит яратиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, фракциямиз «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси таҳлилига, унинг ҳар томонлама пишиқ ва пухта бўлишига эътиборни қўяётганини қўллаб-қувватлади.

Қонун лойиҳаси яқинда фракциямиз йиғилишида яна бир марта муҳокама қилинди. Фракциямиз аъзолари васийлик ва ҳомийлик институти такомиллаштириш ижтимоий ҳимоя тамойили ҳамда оила муносабатларининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳ-



камланишига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлашди.

Васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ барча муносабатлар қонун лойиҳасида аниқ-равшан акс этиши, мутасадди идораларнинг вазифа ҳамда ваколатлари аниқ белгиланиши, ҳуқуқий меъёрлар турлича талқин қилинишига йўл қўйилмаслиги лозим. Партиямиз Марказий Кенгаши ва фракциямиз ҳамкорлигида қонун лойиҳаси жамоатчилиги ва электротар вакиллари муҳокамасидан ўтказилганда шу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Хусусан, Сирдарё, Тошкент, Жиззах вилоят-

лари ҳамда Тошкент шаҳридаги муҳокамаларда васийлик ва ҳомийликка муҳтожликни аниқлаш, васий ва ҳомийни тайинлаш билан боғлиқ жараёнларни қонун билан тизимлаштириш зарурлиги айтилди. Фракциямиз шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини такомилга етказиш юзасидан таклифларини берди.

Васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахслар, аввало, ёрдам ҳамда қўллаб-қувватлашга, давлат ва жамиятнинг алоҳида эътиборига муҳтож кишилар эканини унутмаслик лозим. Бундай шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари халқаро ҳуқуқ меъёрлари-

Фракциямиз аъзолари васийлик ва ҳомийлик институти такомиллаштириш ижтимоий ҳимоя тамойили ҳамда оила муносабатларининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлашди.

га мувофиқ келадиган қонун орқали ҳимоя қилиниши, васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ муносабатларнинг тизимлаштирилиши жамиятда ижтимоий бирдамлик янада кучайишига ўзига хос аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига тўлиқ мос келади ва ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар манфаатлари таъминланишига хизмат қилади.

Шухрат ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси
аъзоси.

Депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

Халқ депутатлари Бўқа туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи томонидан жорий йилнинг ўтган даврида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш билан боғлиқ 10 дан ортиқ масала ўрганилди. Назорат-таҳлил ишларида партиямиз Сайловолди дастури ва 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сессия қарори

партиямиз электорати
манфаатига хизмат қилади

Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятда ичимлик суви тармоқларининг катта қисми эскиргани туфайли сув таъминотида узил-кесил йўл қўйилаётганини, истеъмолчилар томонидан тўланмаган қарзлар ҳажми ортиб бораётгани, Ўрта Чирчиқ, Куйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Паркент ва Бўқа туманларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси қониқарсиз аҳволда эканлигини таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳимиз йиғилишида «2013 йилда Бўқа тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида»ги масалани ўрганиб чиқиш таклифини киритган эдим. Гуруҳ аъзоларининг барчаси буни қўллаб-қувватлади.

Маҳалласи Низомий массивида Кўшгела, Қорақўйли қишлоқ фуқаролар йиғинида бир неча қишлоқларда янги қудуқлар қазиш, мавжудларини тозалаш, таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Жами 2 километрга яқин қўшимча сув қувури тортилган.

Шунинг билан бирга, назорат-таҳлил давомида қарор ижросини таъминлаш борасида қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилгани, унинг сабаблари аниқланди. Депутатлик гуруҳимиз уларни батафсил муҳокама этганидан кейин, масалани туман Кенгашининг тегишли доимий комиссияси ва сессия муҳокамаига олиб чиқишга қарор қилдик.

Сессияда «2013 йилда Бўқа тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида»ги масала муҳокама этилар экан, бу борадаги ишларни режалаштирилган вақтда бажариш, хусусан, сувдан фойдаланиш манбаларини капитал таъмирлаш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарали ижро этилиши устидан депутатлик назоратини қўйиштириш, замонавий, тежамкор технологияларни жорий этиш хусусида таклифлар ўртага ташланди.

Шу асосда туманда ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори қабул қилинди. Айни пайтда мазкур қарор ижроси юзасидан қатор ишлар олиб борилапти.

ЗЕБО ЁДГОРОВА,
халқ депутатлари
Бўқа туман Кенгашидаги
ЎзХДП депутатлик
гуруҳи аъзоси.

2014 йил учун бюджет лойиҳаси

ва солиқ-бюджет сиёсатининг асосий
йўналишлари кўриб чиқилди



2014 йил 1 январдан бошлаб
Бюджет кодексини эксперимент тариқасида
2014-2015 йиллар давомида
синов шarti билан амалга кiritиш таклиф
этилмоқда.

шига хизмат қилиши билан аҳамиятли. Фракциямиз аъзолари солиқ сиёсатидаги бундай ёндашувни тўғри деб ҳисоблайди ва бу борадаги ислохотларни қўллаб-қувватлайди.

Абдулҳақ ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бюджет лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши, ижтимоий хизматлар сифати яхшиланишини изчил давом эттириш кўзда тутилган.

2014 йил учун мўлжалланган бюджет сиёсати концепциясида асосий эътибор бюджет қаражатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини қўйиштиришга, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорларини ошириш эъзига аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган. Буларнинг барчаси тўғридан-тўғри партиямиз дастурий мақсадлари ва электротар манфаатларига хизмат қилади.

Келгуси йил таълим соҳасига ажратилаётган маблағлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан жорий йилда қўйлаётган 7,6 фоиз ўрнига, 2014 йилда 7,8 фоизни, солиқни сақлаш тизимида 3,2 фоиз ўрнига, 3,3 фоизни ташкил этиши режалаштириляпти. Бу баркамол ва соғлом авлодни шакллантириш

ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурларни молиялаштириш имконини беради.

Муҳокамалар жараёнида депутатлар 2014 йилга солиқ-бюджет сиёсати концепциясида ва Давлат бюджети лойиҳасида мамлакатни барқарор иқтисодий юксалишнинг муҳим омилли сифатида ички талабни рағбатлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар режалаштирилётганини эътироф этишди.

Йиғилишда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ҳудудларда ижтимоий ислохотлар қўламини ошириш бўйича изчил чоралар кўриш кўзда тутилаётгани таъкидланди. Давлат бюджети лойиҳасида режалаштирилётган меъёрлар мамлакатимизни барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш имконини яратилади.

Депутатлар таъкидлашча, давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада мукамаллаштириш, бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш — муҳим масала.

Шу мақсадда 2014 йил 1 январдан бошлаб Бюджет кодексини эксперимент тариқасида 2014-2015 йиллар давомида синов шarti билан амалга кiritиш таклиф этилмоқда. Синов пайтида унга зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритилади.

Бюджет кодексини амалга кiritишдан мақсад амалиётда мавжуд зиддиятларни бартараф этишга, хусусан, замон талабига жавоб бермайдиган меъёрларни янгилашга, бюджет жараёни қатнашчиларининг ваколатларини тизимлаштиришга хизмат қиладиган ағо-на ҳуқуқий асос яратишдир. Мазкур қонун ҳужжатига бюджет лойиҳасини тайёрлаш, муҳокамадан ўтказиш, тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар тўлиқ акс этиши қўйилмоқда.

Тадбир якунида муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Тўлиқ ТўРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фуқаролик жамиятининг кўзгуси

●●● Бухорода Ўзбекистон
нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
форумининг вилоят босқичи
бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкilotлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда жамоат ташкilotлари ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Аҳолининг турли қатламлари манфаатларини акс эттирётган, демократик янгиланиш жараёнида фаол иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкilotлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бухоро вилоятида ёшлар, хотин-қизлар, экология, соғлиқни сақлаш каби ижтимоий-иқтисо-

дий йўналишларда 437 нодавлат нотижорат ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолият кўрсатмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкilotларнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2012 йилда вилоятдаги 16 ташкilot Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 221 миллион сўмлик грантига сазовор бўлди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қўрқулаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларнинг ҳудудлардаги ижроси юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими бошқармалари ҳамда табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг жамоатчилиги эшитишга ўтказилди.

Форумда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкilotларининг давлат органлари билан ижтимоий шериклигини ривожлантириш, ННТлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Э.ЁДГОРОВА,
ЎАА мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатида келгуси йилга мўлжалланган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, иқтисодиётни янгилаш ва модернизация қилиш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, қўлай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш масалалари қамраб олинган. Мазкур устувор йўналишлар Президентимиз томонидан жорий йилнинг 18 январидан Ҳукумат йиғилишида белгиланган берилган муҳим вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2014 йил учун солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар амалга оширилган тақдирда Давлат бюджети даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,0 фоизни, қаражатлари 22,0 фоизни ва тақчиллиги 1,0 фоизни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маҳсулотларнинг ноқонуний олиб чиқирилиши ва киритилишига чек қўйилмоқда



Ушбу йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний равишда олиб ўтилиши билан боғлиқ 508 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, умумий қиймати 1,8 миллиард сўмдан ортиқ салкам 800 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

ларининг экспортни ташкил қилиш, уларни сифатли тарзда етказиб бериш, божхона

1,8 миллиард сўмдан ортиқ салкам 800 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Мазкур ҳолатларнинг 21 таси бўйича жиноят аломатлари мавжуд деб топилган бўлса, 458 таси юзасидан маъмурий ишлар юритилган, 29 таси юзасидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, анжуманда яна бир муҳим масала — контрафакт маҳсулотларнинг олиб чиқирилишига қарши қўйилган чора-тадбирлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Президентимизнинг жорий йил 29 январдаги «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2013 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб кираётган ёки транзитини амалга ошираётган юк ташувчилар чегарани кесиб ўтган жойдаги божхона органларига ўтказилаётган товарлар тўғрисидаги маълумотни, шу жумладан, уларнинг номи, миқдори, вази ва юрлик қиймати, шунингдек, товарларни тавсифлаш ва қодлашнинг уйғунлаштирилган тизимига мувофиқ уларнинг қодлари ҳақидаги маълумотни тақдим этиш шартлиги белгиланган бўлган. Бу ҳар бир товар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш имконини бериб, мамлакатимизга

расмийлаштирув ва транспорт масалаларини тезкорлик билан ҳал қилиш ва бошқа бир қатор вазифалар юкланган.

Афсуски, амалдаги тартибларга бўйсунмасдан, ҳалқимиз ризқига хиёнат қилаётган айрим «учар тадбиркор»лар учраб туради. Улар юртимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга ноқонуний равишда олиб ўтиб, мўмай даромад орттиришга уринмоқдалар. Уларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларига республикамиз божхона-чиқари томонидан ўз вақтида чек қўйилмоқда.

Жумладан, ушбу йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний равишда олиб ўтилиши билан боғлиқ 508 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, умумий қиймати

шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда. Ушбу қарор асосида мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларининг етиштирилиши ва фойдаланишнинг прогноз параметрлари тўғрисида»ги қарори мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини етиштириш, реализация қилиш ва ўз вақтида қайта ишлашни ташкил этиш учун кенг

Республика Давлат божхона қўмитаси томонидан «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқирилиши ва контрафакт маҳсулотларнинг олиб кирилишига қарши чора-тадбирлар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3 декабрдаги «2013 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини етиштириш ва фойдаланишнинг прогноз параметрлари тўғрисида»ги қарори мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини етиштириш, реализация қилиш ва ўз вақтида қайта ишлашни ташкил этиш учун кенг



Светофорларнинг ўчиб-ёниш вақти




узайтирилиши лозим

Буюк Британия тадқиқотчилари Европа Иттифоқи аъзо давлатлар йўлларидан пиёдалар ўтиш жойларидаги светофорлар ўчиб-ёниш вақтини тахлил қилиб, шундай хулосага келдиларки, светофорларнинг ўчиб-ёниш вақти кексалар учун маъмул бўлмас. Чунки светофор

ўчиб-ёнишига кетган вақтда кексалар йўлдан ўтишга улгуролмайди. Йўлдан ўтиш учун пиёда сонияси 1,2 метрдан йўл босиш лозим. Мутахассислар таҳлилларига қараганда, дейилади «Мир новостей» газетаси тарқатган хабарда, 65 ёшдан ошган эркакларнинг 24 фоизига, аёлларнинг эса атиги 15 фоизи шу тезликда ҳаракатлана оларкан.

Кейинги пайтларда йўлларда транспорт тикинлари юзага келишининг олдини олиш мақсадида пиёдалар ўтиш жойларидаги светофорнинг ўчиб-ёниш вақти қисқартирилмоқда. Бу эса қарияларнинг кўчаларда сайр қилишлари ёки ўз эҳтиёжи учун дўконларга чиқишлариноқ нуқуллайлик туғдирмоқда.

Энергия муаммоси ҳал этилади



Япониялик иxtириочилар «акли уй»лар қуриш лойиҳасига асос солишди. Бу уйларнинг бошқа уйлардан фарқи шундаки, улар электр таъминоти тизимини ўзи мустақил равишда бошқаради. Яъни, уйлар томига қуёш нуридан турри фойда

лана оладиган панеллар, махсус ёниғли элементлари ва электр энергияси тўплагичи ўрнатилди. Натижада йилнинг қайси мавсумида бўлмасин махсус электрон асбоблар уйни иссиқлик ва ёруғлик энергияси билан бирдек таъминлаб туради.

Интернет манбаларида қайд қилинишича, бундай уйлар 2015 йилдан кенг миқёсда қуришга киришади. Дарвоқе, бу уйларнинг яна бир афзаллиги шундаки, атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли газлар миқдори 80 фоизга қисқаради.

Алдашга мойиллик



кечқурун кучаяди

Гарвард университети мутахассиси Мариям Коу-чаки ҳамда Юта университети қошидаги бизнес мактаб мутахассиси Исаак Смит ҳамкорликда бир

неча тажриба ўтказиб, шундай хулосага келдиларки, одамларда эрталаб эмас, балки кечга қиён алдашга мойиллик кучайиб боради.

Улар ўз хулосаларини «Association for Psychological Science» журналичада эълон қилдилар.

Тажриба тадқиқотлари шуни кўрсатдики, эрталаблари 43 фоиз тадқиқот иштирокчиси ёлгон гапирган бўлса, кечга қиён бу рақам 65 фоизга ортган.

Шу боис олимлар энг долзарб ва муҳим қарорларни одамлар эрталаблари қабул қилгани маъқул, дейишмоқда.

2100 йилда



уч барабар кўпаяди

АҚШнинг Онтарио технология университети мутахассиси Дэниэл Хурнвек бошчилигидаги тадқиқотчилар дунё чиқиндилари яна 10 йилдан кейин, 25 йилдан кейин ва 2100 йилга бориб қай даражага етишини бугунги кун ва келажак технологиясини назарда тутган ҳолда ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар ва ўз хулосаларини «Natura» журналичада чоп этдилар.

Унда баён этилишича, сайёрамиз аҳолиси ўсиб бораётган сайин чиқиндиларни қайта ишлаш масаласи ҳам долзарб кўпаяди. 1900 йилларда дунё аҳолисининг 13 фоизи, яъни 220 миллион киши шаҳарлар-

да яшаган бўлса ва улар кунига 300 минг тонна турли хил чиқиндилар ташлашган бўлса, 2000 йилда 2,9 миллиард киши (умумий аҳолининг 49 фоизи) шаҳарларда истиқомат қилиб, кунига 3 миллион тоннадан зиёд чиқинди ташлашган. 2025 йилга бориб эса бу рақам икки барабарга ортиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда замонавий технологиялар янада такомиллашиб бориши натижасида 2050 йилда чиқиндилар миқдори камай бошлайди. Бунини ҳозирнинг ўзида Япония мисолида кўриш мумкин. Бу мамлакатда чиқиндилар киши бошига ҳисоблаганда бошқа мамлакатлардан уч қарра камдир.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

бошланғич баҳоси
босқичма-босқич ошиб бориши
шаклида

ўтказиладиган очик аукцион
савдосига
ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тошкент вилояти, Зангиота туманида захирга олинган ва фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида бог ва узумзорлар очик аукцион савдосига қўйилмоқда:

1. Зангиота тумани «Тош-Тулаби» агрофирмаси ҳудудидagi «BOG'BON AHMADJON» фермер хўжалигидан захирга олинган жами 6,3 гектардаги 1,5 гектар ер майдонида жойлашган 1000 туп олхўри дарактларидан иборат бог-зор ва 0,6 гектар ер майдонида жойлашган 400 туп узум кўчатларидан иборат узумзор — бошланғич баҳоси 2 124 150 сўм.

2. Зангиота тумани «Зангиота» ҚЎЙ ҳудудидagi «ZANGIOTA TOSHO'JAEV SOLIXO'JA» фермер хўжалигидан захирга олинган жами 35,02 гектардаги 1,95 гектар ер майдонида жойлашган бог, 27,33 гектар ер майдонида жойлашган узумзор ва 0,16 гектар ер майдонида жойлашган теракзор — бошланғич баҳоси 21 546 340 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 10 декабр кунин соат 11-00да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-уй — «Республика биржа маркази биноси»да бўлиб ўтади. Ушбу кунда сотилмаган қолган бог ва узумзорларнинг тақрорий савдоси 2013 йилнинг 26-декабр кунин соат 11-00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ТИФ Миллий банк Тошкент шаҳар Ҳамза филиалидаги 20208000304876496001 ҳисоб-рақамига, МФО: 00847, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйдаги ҳужжатларни топшириши керак: аукционда иштирок этиш учун икки нусхадаги бюртманомаси; закатлат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома-нускаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Жисмоний шахслар учун — паспорт нускаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятининг расмий иш кунларида соат 9.00 дан 16.00гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинган ва савдо белгиланган кундан (1-бир) кун олдин соат 16.00да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00, 233-06-59 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR — №0008.

«BUKHORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ

очик танловга таклиф этади

●●● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2013 йил 4 октябрдаги 1481-, 7 октябрдаги 1528-, 10 октябрдаги 1543-, 1544-, 12 октябрдаги 1555- ва 18 октябрдаги 1585-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйдаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Кўп қаватли турар-жой бинолари ва савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қуриш учун Бухоро шаҳри, А.Сомий кўчаси ёқасида жойлашган 1 та 5500,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 3 883 440,0 сўм.

2. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қуриш учун Бухоро шаҳри, А.Сомий кўчаси ёқасида жойлашган 5 та, 200,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг ҳар бирининг минимал қиймати — 141 216,0 сўм.

3. Меҳмонхона ва туризм объекти-лари мажмуаси қуриш учун Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд кўчаси ёқасида жойлашган 1 та 2600,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 835 808,0 сўм.

4. Кўп қаватли турар-жой бинолари қуриш учун Бухоро шаҳри, А.Сомий кўчаси ёқасида жойлашган 1 та 816,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 576 161,0 сўм.

5. Кўп қаватли турар-жой бинолари қуриш учун Бухоро шаҳри, А.Сомий кўчаси ёқасида жойлашган 1 та 720,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 508 377,0 сўм.

6. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Бухоро шаҳри, Ғиждувоний кўчаси ёқасида жойлашган 1 та 200,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 141 216,0 сўм.

7. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Бухоро шаҳри, Моҳитобон кўчаси ёқасида жойлашган 1 та 800,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 564 864,0 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган

шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов қолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой мuddатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш матбуотда эълон чоп этилган кундан бошланади ва 2013 йил 11 декабр соат 18.00да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманомаси берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закатлатни закатлат қелишувига асосан танлов тақдирининг мазкур эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 12 декабр кунин соат 11.00 да очилади ва соат 15.00да мазкур ҳокимлик биносида танлов қолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эълан қилинган талабгор танлов қолиби деб топилди.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 12 декабрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг тақрорий танлов савдоси 2013 йил 19 декабр кунин соат 12.00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Тақрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 18 декабр соат 18.00да тўхтатилади.

Тақрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 19 декабр кунин соат 11.00да очилади ва соат 15.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов қолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган еққан-ган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов тақдирининг — «BUKHORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ Бухоро вилоят филиали. Танлов тақдирининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99893) 451-37-43 электрон почта: www.bgr.gl.uz.

Лицензия № RL 0171.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов тақдирининг танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов тақдирининг бюртманомаси хат билан бирга қуйдаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомаси икки нусхада тақдим этилади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нускаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нускаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нускаси (якка тадбиркор сифатида фаолият қилмаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нускаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нускаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов тақдирининг банк ҳисоб-рақамига закатлат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нуска;

— танлов ҳужжатлари талаблари мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закатлат пулини тўлаш учун танлов тақдирининг банк реквизитлари: ДАТ Ҳалқ банки Бухоро филиали, Ҳ/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СТИР 302668377.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси, 1-уй.

Лицензия №RL0171.

«Дейдиларки, бу дунёда Яратганимиз томонидан ато этилган иккита касб бор: биринчиси — ўқитувчилик, иккинчиси шифокорликдир. Ўзининг олийжаноб касбига содиқ шифокор ҳар куни энг яхши инсоний фазилатларни намоён этиб, барчамизга олий инсонпарварлик мақсадларига холис хизмат қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатади».

Темурийлар даврида ТИББИЁТ

Амир Темури ва темурийлар даврида бошқа соҳалар қатори тиббиёт ҳам ривожланди. Мазкур фаннинг илмий асослари яратилди. Илк шифохоналар очилди. Тиббиёт соҳасида жаҳонга машҳур олимлар етишиб чиқди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги таниқли табиблар ҳам айнан Самарқандда тулланишди. Амир Темури салтанатидаги бой кутубхоналарда тиббиётга алоқадор ғоятда ноёб китоблар сақланиши бунинг сабабларидан бири эди. Бу эса ўша давр табибларининг қадимий ва ўрта асрлар Шарқ-у Ғарб таъбаоти ютуқларини ўрганишида ва тиббиёт ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Шарқнинг энг буюк табиблари Амир Темури саройида хизмат қилган. Ўша даврда салтанат пойтахти Самарқандда «Дор уш-шифо» номи касалхона фаолият кўрсатган. Унга Амир Темурининг тақлифи билан ўз замонасининг таниқли табиби Мир Сайид Шариф Шерозий бошчилик қилган. Ўша замон тиббиётининг забардаст вакиллари Ҳисомиддин Иброҳим Кермоний, Мавлоно Фазлulloҳ Табризий, Мансур ибн Муҳаммадлар тиббиёт соҳаси тараққиётида муносиб ўрин тутганлар ва ўзларидан тиббиётга оид бой маданий мерос қолдирганлар.

Шунингдек, Мир Сайид Журжоний, мавлоно Изаддин Масъуд Шерозий, Мавлоно Фаррух каби табиблар ҳам айнан Амир Темури саройида фаолият кўрсатган.

Амир Темури Дамашқни эгаллаганидан сўнг, Мавлоно Жамолдин ва Мавлоно Сулаймон каби ўз даврининг энг машҳур табибларини Самарқандга боришга ундаган. Ўз навбатида улар ҳам тиббиёт фани юксалишига салмоқли улушларини қўшганлар.

Мавлоно Фазлulloҳ Табризий Амир Темурининг шахсий табиби бўлган. У Соҳибқироннинг ҳарбий юришларида шифокор сифатида иштирок этган ва саркарда ҳаётининг сўнгги пайтларига қадар у билан бирга бўлган.

Амир Темури ва темурийлар даврида эски шифохоналар таъмирланган, қайта қурилган ва янгилари бунёд этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, баъзи шифохоналар шифобахш маъданли сувлар ва булоқлар, ҳушманзара табиат қўнида қурилган. Уларнинг атрофида

катта боғлар барпо қилинган.

Бу қутлуғ аъёналар кейинчалик ҳам давом эттирилиб, Шамсиддин Одам ва Низомиддин Шерозий каби машҳур табиблар Шохрух саройида, Бурхониддин Кермоний исми алломаи замон Мирзо Улуғбек қароргоҳида хизмат қилган.

Темурий малика Милкат оғо ва темурий Мирзо Алауддава замонида ўша даврнинг энг йирик шифохоналари қурилган ҳамда унда ишлаш учун машҳур табиблар жалб этилган.

Темурий Абу Саид Мирзо жаннатмакон Оба қишлоғида иссиқ булоқ суви бўйида сикатгоҳ қурган. Хусайн Бойқаро даврида бу маскан кенгайтирилиб, атрофларида гулзор, боғлар бунёд этилган.

Буюк шоир Алишер Навоий ҳам темурийлар даври тиббиёти ривожига ўзининг беназир ҳиссасини қўшиб, ўз ҳисобидан бир неча шифохоналар очган. Уларда эҳтиёжманд инсонларга бепул тиббий хизмат кўрсатилган. Шунингдек, шоир томонидан қурилган мадрасаларда бўлажак табиблар тайёрланган.

Темурийлар салтанатида асосан Абу Али ибн Сино назарияси ва амалиёти дастур вазифасини ўтаган. Табиблар асосан тўрт унсур: ер, сув, ҳаво ва олов, яъни мижознинг ҳўл, қуруқ, иссиқ ва совуқлигини аниқлаган. Шу унсурлар ор-

қали эса касалликлар даволанган. Ўша давр медицина фани ривожини кузатар эканмиз, бу жараёнда назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланганига амин бўламиз.

Мавлоно Дарвиш Али, Мавлоно Камолдидин Масъуд Шервоний «Гавҳаршод оғо» ва «Ихлосия» мадрасаларида тиббиётдан илми толибларга сабоқ берганлар. Мавлоно Дарвиш Али қон қуйиш ва олиш ишларини яхши билган.

Мавлоно Низомиддин Абдулхай Алишер Навоий томонидан бунёд этилган «Дор уш-шифо»да фаолият юритган. У қон-томирлар тузилиши, уларни даволаш усуллари ҳақидаги тиббий билимларни тақомиллаштириб, бу борада ўз илмий кашфиётларини амалга оширган.

Бундан ташқари, Амир Темури ва темурийлар даврида яшаган табиблар ўзларига табиб соҳада яратилган асарларга шарҳлар битишган.

Амир Темури вафотидан кейин Ҳирот темурийлар давлатининг марказларидан бирига айланди. Ўз даврининг машҳур табибларидан Мансур ибн Муҳаммад ибн Юсуф ибн Фахр Илбс таъбаот ҳақида бир неча асар яратган. Унинг ишларидан бири — «Рисола дар ташриқи бадани» деб аталади. Муаллиф бу китобда суюқ, асаб, мускул, артериал ва вена қон-томир-

! Темурийлар салтанатида асосан Абу Али ибн Сино назарияси ва амалиёти дастур вазифасини ўтаган. Табиблар асосан тўрт унсур: ер, сув, ҳаво ва олов, яъни мижознинг ҳўл, қуруқ, иссиқ ва совуқлигини аниқлаган.

лари табиати, тузилиши, касалликлари ҳақида анча муфассал маълумотлар бериб ўтган. Ушбу муаллифга тегишли яна бир асар «Кифояи Мансур» ёки «Кифояи Маждидия» дея номланган. Мазкур китобда у инсон танасининг турли аъзоларида пайдо бўлиш эҳтимоли бор касалликлар, уларнинг олддини олиш ва даволаш ҳақида маслаҳат ва илмий хулосаларини бериб ўтган. Китоб сўнггида оддий ва мураккаб дорилар ҳақида тахлиллар келтирилган. XV асрнинг энг буюк табибларидан яна бири Юсуф Харавийдир. У «Баҳр-ул-жавоҳир» номи таъбаот оид махсус асар ёзиб қолдирган.

Тарихий манбаларда келтирилган бу далиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Амир Темури ва темурийлар давлатида тиббиёт соҳасини мувофиқлаштирувчи махсус тузилма яратилган. У шифохоналар қурилиши, таъминоти каби ишларни амалга ошириш, тиббиёт масканларини малакали табиблар билан таъминлаш ишларига ҳам масъул бўлган.

Шоҳистахон ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари доктори.

Яқинда Озарбайжон Республикасининг пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган аънавий V халқаро «Муғом» (Мақом) фестивалида Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг аънавий хонандалик йўналиши ўқувчиси Дилдора Абдусатторова учинчи ўринни қўлга киритди.

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ СОВРИНДОРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларнинг ўз истеъдод ва салоҳиятини тўлақонли намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг самарасида ёшларимиз халқаро миқёсдаги турли танлов ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистонимиз шаънини улуғламолди. Эндигина ўн уч ёшни қаршилаган андижонлик Дилдора Абдусатторова ана шундай ёшлардан.

Жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатидан элликдан ортиқ ёш иқтидор соҳиблари иштирок этган фестивалда Дилдора ижро этган «Излайман» ҳамда «Мустаҳзод» ўзбек миллий мақом кўшиклари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

— Фестивалда ғолиблар қаторидан жой олганимдан хурсандман, — дейди у. — Халқаро фестивалда Ўзбекистон номини улуғлаш — мен учун маккам бахт. Биз ёшларнинг санъат билан шуғулланишимиз, ўз иқтидоримизни намоён этиш учун кенг имкониятлар яратиб бераётган Президентимизга миннатдорлик билдираман.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Соғлом она — соғлом бола — соғлом келажак



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

Шофиркон туманидаги «Жаббор Саттор» қишлоқ врачлик пункти ҳудуддаги 5140 нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

«Саломатлик-2» лойиҳаси асосида замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган шифо масканида 19 нафар саломатлик посбони аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, биринчи ёрдам кўрсатиш, амбулатор шароитда соғломлаштириш, эмлаш каби тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга оширмоқда. Маҳаллаларда, таълим масканларида тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари натижасида касалликларнинг олди олинмоқда.

Диёра ўзига муносиб иш топди

Мамлакатимизда аҳолининг бандлик даражасини ошириш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилаётган.

— Жорий йилнинг ўтган даврида туман ва шаҳар ҳокимликлари, прокуратура ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳамкорлигида саксонга яқин меҳнат ярмаркаси ўтказилди, — дейди Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари С.Бобоқулов. — Уларда уч мингдан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса ўзининг мавжуд бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида қат-

нашган кўплаб ёшлар ва аёллар ишга жойлашган бўлса, бир қисми касб-ҳунар ўрганиш учун ўқув курсларига йўланма олди.

— Туманимизда ўтказилган меҳнат ярмаркасида ўзимга мунсобо иш топдим, — дейди юқори чирчиқлик Диёра Эргашева. — «Тошкентга таъминот» унитар корхонаси туман филиалида иш бошлайдиган бўлдим. Бу мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида биз, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасидир.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.



Нигерия — жаҳон чемпиони

Бирлашган Араб Амирликларида 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати натоғига етди. Швеция жамоаси Аргентина вакиллари 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бронза медалини қўлга киритди.

Финал ўйинида Нигерия жамоаси юксак маҳорат намоёйиш этиб, мексикаликларни 3:0 ҳисобида доғда қолдириб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoa-hillik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146

10338

nuxxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

10338

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 20.40

Topshirigin vaqt — 00.00

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

7772010763006

1 2 3 5